



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 21 июнь, № 125 (7083)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА АҲОЛИНИ УЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлашнинг ва фармацевтика тармоғини бошқаришнинг янги тизимини шакллантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакат аҳолисини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишга, кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини ва аҳоли соғлиғининг курсаткичларини оширишга тўққинлик қилаётган муайян муаммолар ҳанузгача ҳал қилинмасдан қолмоқда.

Хусусан, дори воситаларини, жумладан, уларни ишлаб чиқариш ва қўллашга юқори талаблар қўйилган мамлакатларда тайёрланган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳаддан ташқари мураккаб-лигига қолмоқда, бу эса самарасиз дори воситаларининг олиб кирилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда ижтимоий дорихоналарнинг кенг тармоғини яратиш, шунингдек, фармацевтика бозорига давлат харидлари механизмининг таъминлаштириш ва шаффоф рақобатни ўрнатиш зарурати ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тартиб-ини қайта қўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, сифатли дори воситаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва Ўзбекистон фармацевтика бозорининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг:

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш;
давлат рўйхатидан ўтказиш учун юқори

тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини, жумладан, дори моддалари (субстанциялар) ва дори препаратлари (кейинги ўринларда дори воситалари деб аталади)ни давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартиб-ини 2018 йил 1 августдан жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:
а) ижтимоий дорихоналар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш уларнинг сотиб олиш қиймати ёки улгуржи нархига 10 фоиз чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади;

б) юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш:

хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги бўйича шубҳа уйғотмайдиган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун масъул бўлган хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларни табақалаштириш асосида;

давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларнинг тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган тақдирда амалга оширилади;

в) мазкур Фармоннинг 1-банди учинчи хатбошида назарда тутилган тартиб қўлланиладиган дори воситалари ушбу воситаларнинг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказилишида экспертиза қилинмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5229-сонли Фармонининг 11-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ БУЮМЛАРИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ МУАССАСАЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида республикада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш-ни ташкил этишининг таъсирчан тизими шакллантирилди.

Фақатгина 2017 йилда 11 та тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, 15 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар тиббий-ижтимоий ёрдам билан қамраб олинди, қарийб 21 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия буюмлари билан таъминланди, 35 минг нафар шахслар санаторийларда соғломлаштириш курсларидан ўтди, 20 минг нафардан зиёд шахсга реабилитация хизматлари кўрсатилди.

Шу билан бирга, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси ва инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги уларга ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилиш-ни кенгайтиришга, илғор тиббий-ижтимоий реабилитация услубларини жорий қилишга имкон бермапти.

Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш-да қўлланилаётган технологиялар жисмонан ҳамда маънан эскирган, ушбу соҳада етарли даражада инновацион технологиялар жорий этилмапти ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ривожлантирилмапти.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш технологияларини таъминлаштириш, шунинг-дек, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада таъминлаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация чораларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг замонавий услубларини жорий этиш орқали аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилиш бўйича уларнинг имкониятларини кенгайтириш;

тиббий-ижтимоий муассасалар ва ўқув-механт устаноналарини замонавий диагностика қилиш, даволаш, спорт ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозлаш;

маҳаллий ишлаб чиқариладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг сифатини яхшилаш ҳамда уларнинг турларини кенгайтириш;

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришнинг янада ривожланишини таъминлайдиган кучли илмий ҳамда методологик базани яратиш;

тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришнинг халқаро стандартларини кенг жорий этиш.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ДЕПУТАТЛАР ТУРЛИ СОҲАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА ДОИР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

20 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакатни ривожлантиришнинг бугунги босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва амалга оширилаётган ижтимоий ҳамда иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини қўриб чиқдилар.

Қон тартибидан ўндан таълим масаласи ўрин олди. Уларнинг ҳар бири аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг йиғилишларида вазирликлар ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институти вакилларининг иштирокида қизгин муҳокама қилинган эди.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиқишдан бошладилар.

Киритилаётган қўшимчаларга қўра, автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ижарага бериш ҳуқуқи мазкур соҳада хизмат кўрсатидиган юридик шахсларга берилиб, улар енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ўттиз кунгача бўлган муддатга ижарага бериш шартномасини оддий ёзма шаклда тузишлари мумкинлиги белгиланмоқда. Депутатлар фикрига қўра, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатнинг туристик салоҳияти ва туризм соҳаси ривожланишига хизмат қилади.

Сўнгги йилларда олиб

бориладиган туб ислохотлар таълим тизимида ҳам ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Қон тартибига киритилган навбатдаги қонун лойиҳаси таълим соҳасидаги ислохотларнинг қонуний асосларини яратётгани билан муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, унда таълим тизимидаги янги йўналишлар қонун билан мустаҳкамланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси умумий ўрта ва ўрта махсус таълимда 11 йиллик тизимнинг мажбурийлиги, касб-хунар таълимининг 11 йиллик базадан сўнг ихтиёрий равишда амалга оширилиши, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатётган юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилаётган таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таъминлаштириш ҳамда нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиб-ини соддалаштириш-ни назарда тутди.

(Давоми 3-бетда).



Электротехника саноати:

ТАШҚИ БОЗОРДАН МУСТАҲКАМ ЖОЙ ЭГАЛЛАШ ОСОН ЭМАС



«Ана телевизор-у, мана кир ювадиган машина...»

Яқин ўтмишимиздаги маиший ҳаёт ҳақида гап кетганда, барчамиз севиб томоша қиладиган “Маҳаллада дув-дув гап” фильмидаги она-хонларнинг “сюрприз”га ойдинлик киритиш саҳнасини эслаймиз. Қаҳрамонлардан бири уни телевизорга йўйса, бошқаси “балки кир ювадиган машинади”, дейди...

Очиги, илгари одамларнинг бундай техника буюмларига етишиши катта воқеалик эди. Қишлоқларда эса бу бахтга атиги бир, нари борса, иккита оила муассар бўлган, холос. Бугун-чи? Ҳар бир хонадонда 2-3 тадан телевизор бор.

Статистика маълумотлари ҳам кейинги йилларда юртдошларимизнинг шахсий компьютер, кондиционер, газ ва электр плиталари, чангюткич, музлаткич, кир ювиш машинаси сингари маиший техникалар билан таъминланганини даражаси ўсиб бораётганини тасдиқлайди. Узоқ муддат фойдаланиладиган ушбу товарларга бўлган эҳтиёжнинг салмоқли қисми ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига қондирилаётгани эса саноатдаги ривожланишдан дарак беради, албатта.

Ҳаёт ҳақиқатлари таққосда аслини кўрсатади. Ютуқ ҳам, камчиликлар ҳам. Шу маънода, саноатимизнинг нисбатан ёш тармоғи — электротехниканинг кечаги ва бугунги ҳолатига ҳолисона назар ташласак, мазкур жабҳадаги ҳақиқий аҳвол кўз ўнгимизда рўйирост гавдаланади.

Долзарб мавзу

Мамлакатимизда 2021 йилгача электротехника саноати йўналишида умумий қиймати

731,2 миллиард
сўмлик

43 та лойиҳа
амалга
оширилади.



Глобал инқироз ҳам таъсир қилмади

Биласизми, сўнгги ўн йилликда дунё электротехника саноатида юқори ўсиш суръати таъминланиб, соҳага киритилган сармоянинг рентабеллиги бошқа тармоқлардагига нисбатан уч-тўрт марта кўпроқни ташкил этди. У ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан деярли талафотларсиз чиқиб, қўшимча қий-матга эга инновацион маҳсулотлар

етказиб беришда етакчи ўринга қўтарилиб олганига нима дейсиз?!

Экспертлар соҳа рақобатдошли-гини ишлаб чиқаришга илғор те-хнологиялар татбиқ қилиниб, бозор талабларига мос маҳсулотлар тақлиф этилаётгани, улар тобора таъминлаштириб борилаётгани билан изоҳлашмоқда. Шу боис одамларга қўшимча қулайлик ҳамда

енгилликлар ҳада қилаётган бундай воситаларга бўлган талаб кун сайин ортапти.

Дарҳақиқат, йигирма биринчи юз йилликда маиший техника буюмла-рига шунчалик боғланиб қолдикки, уларсиз кундалик ҳаётимизни тасаввур этиш мушкул. Масалан, компьютерсиз иш фаолиятимиз тақа-тақ тўхтайдми, мобиль алоқа воситаси бўлмаса, ўзингизни дунё-дан узилиб қолгандек ҳис қиласиз...

(Давоми 3-бетда).



ДУНЁ НИГОҲИ



Толиблар Ўзбекистонга ишонч билдиришди

РАСМИЙ ТОШКЕНТ ҲАРАКАТ
ВАКИЛЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАР
ЎРНАТИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Россиянинг “Коммерсант” интернет-ресурсида
чоп этилган мақола шундай номланган.

Коммерсант.ru

Ўзбекистон ҳукумати қўшни Афғонистондаги “Толибон” ҳаракати-нинг юқори мар-табали вакиллари билан амалий уч-рашувлар” ўтқа-зилгани тўғрисида хабар қилди. Ҳара-кат вакиллари билан мулоқот март ойида Тош-кентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича конференциядан сўнг ўрнатилган. Ушанда йигирма-дан ортқ мамла-катлар вакиллари Кобулдаги ҳукумат ва толибларни тўғридан-тўғри му-лоқотни бошлашга чорлаб, расмий Тош-кент эса ушбу жараёнда воси-тачилик қилишга тайёрли-гини билдирган эди, деб ёзади мақола муаллифи Кирилл Кривошеев.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Афғонистон бўйича шу йил март ойида



Аркадий ДУБНОВ,
Марказий Осиё
бўйича эксперт,
сиёсатшунос.

Ўзбекистон Кобулдаги ҳукумат ва толиблар ўртасидаги ишонч муҳити мустаҳкамланишидан манфаатдор.

Тошкентда ўтказилган “Тинчлик жараёни, хавф-сизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” номли конференциянинг бевоқифа натижалари ҳақида маълум қилди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА АҲОЛИНИ УЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) илгор халқро амалиётни ўрганиш асосида бир ой муддатда асосий касалликларнинг диагностика ва даволаш стандартлари, клиник протоколлари қайта кўриб чиқилишини ҳамда ҳар чоракда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхати қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йил 20 июлга қадар муддатда танқидий ўрганиш ўтказиб:

юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини белгилаш;

дори воситаларининг божхона расмийлаштирувига, давлат рўйхатидан ўтказилиши ва реализация қилинишига талабларни такомиллаштириш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини тартибга солувчи бошқа масалалар бўйича тақлифлар киритсин;

в) Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда мамлакатда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда қўллашга

тақиқ мавжудлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилсин, бундай тақиқларни жорий этишнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўргансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улар келгусида қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тақлифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2018 йил 20 июлга қадар муддатда:

дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган мамлакатлар ва халқро ташкилотлар рўйхатини тасдиқлаш учун;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Садиқов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шадманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 20 июнь	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ БУЮМЛАРИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ТИББІЙ-ИЖТИМОЙ МУАССАСАЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ БУЮМЛАРИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ТИББІЙ-ИЖТИМОЙ МУАССАСАЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Қуйидагилар:

2018 — 2022 йилларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) 1-иловага мувофиқ;

2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасаларини қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштиришнинг асосий параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2021 йил 1 январга қадар муддатга:

корхоналар бўшаётган маблағларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилишга, шунингдек, корхонанинг протезчи мутахассисларини ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ва малакасини оширишга мақсадли йўналтирган ҳолда, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг ишлаб чиқарилган ҳажми бўйича ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари);

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, инструментлар ва приборлар, компьютер ҳамда диагностика ускуналари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йўғимидан ташқари) озод қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

маҳаллий ишлаб чиқариладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш масалаларини ўргансин, шунингдек, лойиҳаларнинг кейинчалик республикада, жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари ҳудудида амалга оширилишини таъминласин;

Комплекс чора-тадбирларда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий корхоналарни, чет эл инвестицияларини, халқро молия институтлари, хорижий ҳукумат жамғармалари ва ташкилотларининг грантлари, кредитлари ҳамда мақсадли маблағларини жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур банд билан юклатилган вазифаларни бажаришда тўлиқ қўмаклашсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкга тижорат банклари ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, протезчи мутахассисларни ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ва уларнинг малакасини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича кредит бериш тавсияи этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан танқидий таҳлил ва таъсирчан назорат олиб борилишини таъминласин, бунда қуйидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратсин:

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий

реабилитация қилиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, Мурувват ва Саховат интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига қабул қилиш бўйича имкониятларини кенгайтириш;

ишлаб чиқарилаётган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг сифатини яхшилаш ва уларнинг турларини кенгайтириш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 2018 — 2022 йилларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича ҳудудий комплекс чора-тадбирларни уларнинг ижро муддатлари, масъул ижрочилари, шунингдек, молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тегишли даврлар учун лойиҳалар портфелларини ишлаб чиқишда уларда шакллантириладиган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларига кейинчалик лойиҳаларни киритиш учун бюджет маблағлари ҳисобига ажратиладиган марказлаштирилган инвестициялар лимитлари доирасида амалга ошириладиган, мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда протезчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўргансин ҳамда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий маълумотли протезчи мутахассисларни тайёрлаш бўйича тақлиф киритсин;

Ногиронлиги бўлган шахсларга

кўрсатилаётган хизматлар кўлами

ва сифати янада ошади

Ўтган давр мобайнида республикаимзда ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам беришнинг самарали тизими шакллантирилди. Буни 2017 йилда 11 тиббий-ижтимоий муассасанинг моддий-техника базаси мустаҳкамлангани, 15 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилгани, 21 мингга яқин ногиронлиги бўлган шахслар реабилитация техник воситалари ҳамда протез-ортопедия буюмлари билан таъминланганидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Лекин тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси ва инфратузилмасининг аянчи аҳоли ногиронлар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларини тўлиқ қамраб олиш, замонавий тиббий-ижтимоий реабилитация усулларини жорий қилишга имкон бермаётган эди. Аниқроғи, ҳозирги пайтда республикаимиздаги мавжуд 11 минг 212 ўринли 52 та тиббий-ижтимоий муассаса, жумладан, 7 та Саховат ҳамда 26 та Мурувват уйлари, 11 реабилитация-протезлаш маркази ва 8 та санаторий 694 минг ногиронлиги бўлган фуқароларнинг, бор-йўғи, 10 фоизини қамраб олмақда ҳолос.

Устига-устак, протез-ортопедия буюмлари ҳамда реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришда қўлла-нилаётган технологиялар жисмонан ва маънан эскирган, соҳада инновацион технологиялар жорий этиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш эса, афсуски, тўхтаб қолганди.

Президентимизнинг “Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шундай ўтқир муаммоларни бартараф этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган хизматлар кўлами ва сифатини янада оширишга қаратилгани билан гоъ муҳимдир.

— Кейинги ййгирма йиллар мобайнида бундай қарор қабул қилинган эмас эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир-

лиги Бош бошқармаси бошлиғи Алишер Иноқов. — Муаммолар ҳақида гап юритилар эди-ю, аммо унинг ечимини топш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилмасди. Ушбу қарор ўз мазмун-моҳияти билан вақтида қабул қилинган стратегик ҳужжат бўлди. Оддий мисол, бугунги кунда Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Бўхоро вилоятларида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, протезлаш ҳудудий марказлари йўқ. Қарор билан мазкур ҳудудларда ана шундай реабилитация марказлари ташкил этилади.

Мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2018 — 2022 йилларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш бўйича 18 та банддан иборат комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинмоқда. Дастурдаги чора-тадбирларга 8 миллиард сўм ва 42 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши белгиланди. Шунингдек, ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини молиялаштиришнинг асосий параметрлари ҳам тасдиқланяпти. Унга қўра, келаси 5 йилда 10 та объектни янгидан қуриш ва 32 тасини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бу ишларга Давлат бюджетидан 388,4 миллиард сўм ажратилади.

Эътиборлиси, қарор билан протез-ортопедия буюмлари ҳамда реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналарга имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Соҳа корхоналари 2021 йил 1 январгача солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан ва чет-

Халқ сўзи

Аҳоли саломатлигини

таъминлаш —

устувор масала

Мамлакатимизда тиббиёт ҳамда фармацевтика соҳаси тубдан ислоҳ этилиб, халқ манфаатига қаратилган экан, аҳоли саломатлиги масаласи ҳам ислохотларнинг негизини ташкил қилиши табиий.

Президентимиз аини шу соҳага тааллуқли “Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди.

Ҳўш, мазкур Фармон мазмун-моҳияти, шунингдек, амалиётда тўхтатаилаётган ҳамда татбиқ этилаётган янги талаблар нималардан иборат?

Сўнгги йилларда энг зарур ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларни чекланган нархларда сотиш талаби жорий қилинган эди. Эзгу мақсадни кўзлаб йўлга қўйилган бу тадбир дастлаб қўтилган натижаларни берди: яъни дорилар арзонлашди, уларнинг нархи ҳамма ерда мўътадил тус олди.

Аммо кейинчалик нархлар ўзгариб, уни бир қолига солиб бўлмасдан, бошқа тарафдан, ўзгармас бўлган сотилиш нархлари сабабли айрим дори-дармонлар тақчиллиги кузатила бошланди. Шу боис Фармон билан муқаддам жорий этилган тартиб бекор қилиниб, унинг ўрнига янада мақбули тақлиф этилмоқда. Гап шундаки, муқаддам татбиқ қилинган — ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ҳамда тиббий буюмларни чекланган нархларда сотиш талаби бекор қилинади.

Бундай тартибга ўтишга сабаб бўлган айрим рақамларни келтириб ўтиш ўринли. Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги қарори билан тасдиқланган рўйхатга кўра, 343 турдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларга нисбатан чекланган нархларда сотиш меъёри қўйилган бўлиб, уларнинг 116 турдагиси Ўзбекистонда, 227 таси эса хорижда ишлаб чиқарилади.

— Мазкур амалиётда бюджет пуллари ни иқтисод этиш рўкач қилиниб, асосий эътибор дорилар сифати ҳамда самарасига эмас, балки қандай қилиб бўлса ҳам, камроқ маблағ сарфлашга қаратила бошланди, — дейди Давлат

рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи Дилшод Азимов. — Бундан ташқари, нархлар ўртача олинган эмасми, ўзимизда ишлаб чиқарилган, таннарихи нисбатан арзон дори воситаларининг нархи ҳам қимматга тушган хориж препаратларига тенглаштириб қўйилди. Оқибат эса маълум, зарур дори-дармонлар тақчиллиги кузатилди.

Мисол учун, ўтган йил яқунларига кўра, зиммасига марказлаштирилган ҳолда мамлакат ҳудудларига дори-дармон етказиш вазифаси юклатилган “O’zmedimpexs” давлат унитар корхонаси томонидан Сурхондарё вилоятига 1,1 миллиард, Андижон вилоятига 2 миллиард сўмлик дори воситалари ва тиббий буюмлар етказиб берилмади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги бўлим бошлиғи Исматжон Азизовнинг таъкидлашича, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун қучга кирганидан сўнг бу борадаги амалиёт янада шаффофлашди. Аниқроғи, давлат маблағларини турли мақсадларда совиришга барҳам берилди. Шу боис Фармонга кўра, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ҳамда тиббий буюмларни чекланган нархларда сотиш талаби ўрнига эндиликда бундай маҳсулотларга улғуржи харид нархига 10 фоизлик савдо устамаси жорий этиладиган бўлди.

Таъкидлаш жоизки, “O’zmedimpexs” давлат унитар корхонасининг белгила-надиган рўйхат бўйича ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт

буюмлари, давлат соғлиқ-ни сақлаш муассасалари учун тиббиёт техникалари ҳамда махсус тиббиёт автотранспортининг ягона етказиб берувчиси мақоми бекор қилинади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилги 8825 турдаги дори воситалари рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 2540 турдагиси ёки 29 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилган. Салмоқли 71 фоизи ёки 6285 таси эса хориж дори-дармонларидир. Эътибор бериш, импорт қилинган дори-дармоннинг 50 фоизидан қўпи, тўғрироғи, 1764 турдагиси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва 1582 тури Хиндистондан келтирилган. Атиги 5,6 фоизигина мос равишда 299, 48 ва 6 та дори турлари билан тартибга солиш талаблари юқори бўлган давлатлар, яъни Германия, АҚШ ҳамда Япониядан импорт қилинган.

Фармон билан киритилаётган янги тартиб шундан иборатки, 2018 йилининг 1 августидан эътиборан юқори тартибга солувчи талабларга эга давлатларда жорий этилган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартиби жорий қилинади.

Мақсад эзгу — халқимиз саломатлигини асраш, бунинг учун эса барча зарур шарт-шароитни яратиш. Зеро, одамларни рози қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўйлаш энг олий ишдир. Дориҳоналардан эса халқнинг соғлиғи ҳам, чўнтағи ҳам зарар кўрмасин.



Бош прокуратура ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил мулътимедиа
маркази материаллари асосида
Р. ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

ДЕПУТАТЛАР ТУРЛИ СОҲАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА ДОИР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Депутатларнинг қайд этишича, қонуннинг қабул қилиниши таълимдаги янгиланишларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб, соҳанинг янада такомиллашувига имкон беради.

Сўнгра депутатлар янги таҳрирдаги “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида Президентимизнинг соҳани такомиллаштиришга доир Фармон ва қарорларидаги ғояларни сингдиришга жиддий эътибор қаратилди.

Шунингдек, масъул қўмита томонидан мазкур лойиҳа юзасидан ҳудудларда соҳа мутахассислари, тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари билан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди ва улардан 100 дан ортиқ таклифлар олинди.

Депутатлар қайд этганларидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ўсимликлар карантини соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, карантин хизмати фаолиятига замонавий технологиялар ва иш услубларини жорий этишга хизмат қилади. Бундан ташқари, халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришда ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари билан савдо алоқаларини йўлга қўйишда фитосанитар хавфсизликни таъминлаш, импорт ва экспорт билан шуғулланидиган тадбиркорлик субъектлари амал қилиши керак бўлган зарарли ўсимлик касалликлари, ҳашаротлар ва бегона ўтлар кириб келишининг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ва нормаларни жорий қилиш имконини беради.

Мажлисда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

Мажлисда, шунингдек,

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Тошкент конференцияси иштирокчиларининг умумий позициясини рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон тегизиш алоқалар ўрнатиб, Толибон ҳаракатининг юқори мартабали вакиллари билан амалий учрашувлар ўтказди. Учрашувларда Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик-барқарорлик ўрнатиш ва мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик истикболлари муҳокама қилинди”, дейилади Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайтида эълон қилинган баёнотда.

Шу билан бирга, Ўзбек дипломатлари Афғонистон ҳукумати ва толиблар Рамазон ҳайити нишонлашини муносабати билан ўзаро ўт очишни

Толиблар Ўзбекистонга ишонч билдиришди

тўхтатиш тартибини жорий этганини олқишлади. “Ўзбекистон ушбу ярашув мuddатсиз тус олишига умид қилади”, дейилади матнда.

Март ойидаги Тошкент анжуманида толиблар қатнашмаганди. Шунга қарамай, тадбир якунида қабул қилинган декларацияда иштирокчи мамлакатлар “Миллий Бирдамлик ҳукуматининг олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаслик асосида “Толибон” билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаш”ларини таъкидладилар. Қайд этиш жоизки, Қобулдаги ҳукумат ва толиблар ўртасида алоқа

канал бор ёки йўқлиги номаълум бўлиб қолмоқда. “Тўғридан-тўғри музокаралар бошланганда шунинг ўзи алоқа канали бўлади”, дея жавоб берган Афғонистон ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббоний “Коммерсант” саволига.

Айнан Тошкент толиблар ва афгон ҳукумати ўртасидаги музокараларда воситачи бўлиши март ойидаёқ маълум қилинган эди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев март ойида бўлиб ўтган конференцияда “Биз Ўзбекистон ҳудудига тинчлик жараёнларининг исталган босқичида Афғонистон ва “Толибон” ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокара-

«ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ

Халқни рози қилиш, аҳолига муносиб шарт-шароитларни яратиш амалга оширилаётган ишловларнинг устувор йўналишларидан бири саналади. Айни пайтда бутун республикаимизни қамраб олган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасидаги ишлар айнан шу мақсадга қаратилган. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинаётган мазкур дастурлар туфайли қишлоқлару маҳаллалар замонавий қиёфа касб этмоқда.

Хайрли амалларга ундаётган эзгу ташаббус

Чунончи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳам “Обод маҳалла” дастури доирасидаги хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида тизимли ишларни йўлга қўймоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Тепағузар маҳалласида бошланган бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирлари шундай саъй-ҳаракатлардан биридир.

Очиғи, мазкур маҳаллани ободонлаштириш борасида ечимини қутаётган масалалар талайгина эди. Жумладан, қарийб 5 минг 300 нафар киши истикомат қилаётган 27 та кўп қаватли уй атрофини тартибга келтириш, чиқинди уюмларини тозалаш, сув йўллари очиш, дарахтларни суғориш учун ер ости сув тармоғини тортиш лозим.

Шу боис Касаба уюшмалари Федерациясининг 1000 нафарга яқин ташаббускор фаоллари “Тепағузар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини обод этиш мақсадида кенг қўламли ишларга киришдилар. Хусусан, улар томонидан 27 та кўп қаватли уй атрофи ҳамда 1500 погон метрдан зиёд ирригация

тармоқлари, яъни ариқ ва зовурлар тозаланиб, сув йўллари очилди. 1000 дан ортиқ бетартиб ўсган дарахтлар шохлари буталиб, шакл берилиб, окланди. Ҳудуд 100 тоннадан ортиқ чиқиндилардан тозаланди. Шунингдек, ўқир-чўқир ер майдонлари текисланиб, ўтлар ўрилди. Бунинг учун бир нечта юк машинаси ва бошқа техникалар жалб этилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси фаоллари маҳалла аҳолиси эҳтиёжларини ўрганиш жараёнида болалар майдончалари етарли эмаслиги, аниқроғи, мавжуд биттагина майдонча ҳам таъмирга мутож эканлигини аниқлаган эдилар. Ана шу жиҳат ҳисобга олинган ҳолда, Федерация томонидан 8 та янги болалар майдончаси ва битта бадминтон майдончасини қуриш, битта болалар майдончасини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди.

“Тепағузар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдували Умаржоновнинг айтишича, бундан ташқари, ҳудуддаги кўп қаватли уйлар ёнида қулай ўриндиқ ва соябонли дам

олиш айвончалари барпо этилмоқда, йўлақлар олди ҳамда уйлар орасига 8 та ҳордиқ айвончаси, 190 та ўриндиқ, чиқинди ташлаш учун 190 та махсус идиш ўрнатилмоқда. Дарахтларни суғориш мақсадида ер ости сув тармоғини тортиб келтириш ишлари ҳам режалаштирилган. Шу билан бирга, нуронийлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ; уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш учун “Оталар чойхонаси”да таъмирлаш ишлари олиб борилляпти.

Бундан, табиийки, аҳоли, айниқса, кексалар жуда мамнун. Биз ҳам жараёнда иштирок этиб, кўп йиллар ўқитувчилик қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган 92 ёшли отахон — Мўмин Каримовнинг фикрларини ёзиб олдик.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган дастур асосида қишлоқларимизда шундай улкан ишларга киришилдики, буни деярли ҳар куни телевизор орқали кўряпмиз, — дейди отахон биз билан суҳбатда. — Энди бу ишлар шаҳарларда,



маҳаллаларда кенг тус оляпти. Жумладан, бизнинг маҳаллада ҳам. Мен бу ерга 1972 йили кўчиб келганман. Шу боис маҳаллаимизни жуда яхши биламан.

Бугунги ҳаракатларни қўриб, болаларимизнинг яхши яшашлари учун катта имкониятлар яратилаётганига амин бўляпман. Унда ёшу қари — барчанинг имконияти инобатга олинган. Автомобиллар тураржойлари, кичкинтойлар учун махсус майдончалар қуриларкан, ички йўллар таъмирланаркан. Ҳар бир уй олдига, соя-салқин жойларга ўриндиқлар ўрнатилишини айтмайсизми?! Бу биз, қариялар учун аини мuddаодир. Ахир ёзининг жазирама иссиғига кўчага чиқиб, салқин жойда суҳбатлашиб ўтиришнинг гашти ўзгача-да.

Чиндан ҳам, илгари маҳалла аҳли болаларини ўйнатиши учун жой тополмай овера эди. Йўллар торлиги эса автомобиллар

қатновига яна ҳам халақит қиларди.

— Мамлакатимиз миқёсида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бунёдкорликлардан руҳланиб, биз ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолмаслик учун ташаббус билан чиқдик, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Равшан Махмадалиев. — Шу мақсадда дастлаб ҳудуд обдон ўрганилди. Мавжуд муаммолар аниқланиб, ҳудудни обод этиш ишлари амалга оширилди.

Ортимиздаги бу каби ўзгаришлар аҳоли турмуш даражасини янада юксалтираётганини аини ҳақиқат. Зотан, “Обод маҳалла” дастурида белгиланган вазифалар хайрли ва эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Электротехника саноати:

ТАШҚИ БОЗОРДАН МУСТАҲКАМ ЖОЙ ЭГАЛЛАШ ОСОН ЭМАС

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис ортимизда иқтисодиётнинг мазкур тармоғи раванкига устувор аҳамият қаратилиб, аввало, унинг ташкилий-ҳуқуқий асоси яратилдики, пировардида электротехника истиклол йилларида саноатнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланди.

Харидоргир маҳсулот тайёрлашнинг сири

“Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, бугунги кунда тизимда 70 га яқин корхоналар фаолият кўрсатяпти. Улар ички



бозорни кабель ва сим, электротехника ҳамда маиший техника маҳсулотлари билан тўлдириш баробарида, ташқи бозордан ҳам мустаҳкам жой эгалламоқда.

Чиндан ҳам, бугун бозорларимизда ушбу турдаги маҳсулотлар сероб. Айниқса, тизим корхоналари томонидан 2 минг хилдаги кабель-сим, 50 дан зиёд турдаги электротехника, 30 дан ортиқ маиший техника маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилгани туфайли импорт тобора қисқармоқда. Табиийки, бу охирги беш йилда тизимда ишлаб чиқариш ҳажми 3,3 баробар ошгани туфайлидир. Экспорт-чи?

Ўтган йилнинг ўзида 189 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. Мазкур кўрсаткич 2016 йилдаги нисбатан 1,5 баробар, 2017 йил учун белгиланган режадагига қараганда эса қарийб 50 миллион долларга кўпдир.

Соҳа мутасаддиларининг тан олишича, юқори технологияга асосланган бу тармоқда ҳали кўп тажрибага эга эмасмиз. Аммо “Samsung”, “LG”, “Shivaki”, “Haier”, “Midea”, “Candy”, “Motorola” сингари жаҳонга машҳур компаниялар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани, техник ҳамда технологик жиҳатдан модернизациялаш тадбирлари илчил давом эттирилаётгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Натижада миллий маҳсулотларимиз ташқи бозорда рақобатга кириша оляпти. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи туширилган электротехника буюмлари Арманистон, Афғонистон, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Грузия, Озарбайжон, Афғонистон, Қирғизистон, Украина, Қозғистон, Тожикистон, Туркия, Россия каби ўндан зиёд давлатларга етказиб берилаётир.

Экспорт кўрсаткичидан кўнгил тўладими?

Бугунги натижаларни таҳлил қилсак, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги ойдинлашади. Айниқса, экспорт борасида. Бу ҳақда тўхталганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 29 май куни бўлиб ўтган видео-селектор йиғилишида айнан экспорт-импорт борасида айтилган фикрлар ёдга тушади.

Гап шундаки, давлатимиз раҳбари ўтган бир ярим йил мобайнида экспортни рағбатлантириш бўйича қўрилаётган амалий чоралар натижасида экспорт ҳажми ошган бўлса-да, эришилган бугунги натижалар мавжуд имконият ҳамда салоҳиятга нисбатан анча пастлигини қайд этди. Назаримизда, ушбу ҳақли эътироз “Ўзэлтехсаноат”га ҳам тегишли. Нега деганда, экспорт таркибида ҳамон кабель-сим маҳсулотлари улушининг юқорилиги сақланиб турибди.

— Тўғри, бугунги кунда тайёрланаётган кабель ва сим маҳсулотларининг 60 фоизидан ортиғи экспортга йўналтирилган, — дейди “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси раиси вазифасини баҳарувчи Алишер Абдуллаев. — Бир жиҳатдан, бу — яхши кўрсаткич. Аммо экспортда бошқа маҳсулотлар



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

- ✓ «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси тизимда бугунги кунда 70 га яқин корхоналар фаолият кўрсатяпти.
- ✓ Тизим корхоналари томонидан 2000 хилдаги кабель-сим, 50 дан зиёд турдаги электротехника, 30 дан ортиқ маиший техника маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилган.
- ✓ Охирги беш йилда тизимда ишлаб чиқариш ҳажми 3,3 баробар ошди

Жаҳонга машҳур брендлар — юртимизда

Ҳозирги кучли рақобат шароитида ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаш осон эмас. Айниқса, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар. Шундай бўлса-да, юртимиз ишбилармонлари экспортни рағбатлантириш бўйича қўрилаётган амалий чора-тадбирлар туфайли баҳоли қудрат бунинг уддасидан чиқишмоқда. Улар томонидан таклиф этилаётган маиший техника буюмлари жаҳонга машҳур брендлар қаторида сотилмоқда. Бу эса чет эллик инвесторларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқиши ортишига

туртки бўляпти. Шунинг учун эндиликда Ўзбекистонда жаҳонга машҳур брендлар остида янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Бундай истикболли лойиҳаларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг хорижий давлатларга сафарлари давомиде эришилган келишувлар муҳим омил бўляпти.

Дарҳақиқат, ўтган йили Президентимиз Хитой Халқ Республикасига амалга оширган давлат ташрифи давомиде “Ўзэлтехсаноат” компанияси билан Хитойнинг “Haier Group” компанияси ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланди. Унга қўра, “Haitech” бренди остида замонавий телевизорлар ишлаб чиқарилса, компания таркибидеги “Ўзэллектроаппарат-Электротех” АЖда “Hytera Communications Corporation Limited” компанияси кўмағида йилга 20 мингта радиоалоқа воситаси ишлаб чиқариш қуввати яратилиши мўлжалланмоқда.

Худди шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига ташрифи доирасида “Kiturami” компанияси билан эришилган келишув аллақачон амалиётга қўнгани диққатга сазовор. Мазкур лойиҳа асосида “Artel” компанияси томонидан жорий йилнинг май ойида йилга 100 мингта сувиситкич ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди. Айни пайтда Жанубий Кореянинг яна бир компанияси — “Dongho Cosmo” билан биргаликда электр, газ, совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагичларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш устида музокаралар олиб борилаётир.

Айтиш жоизки, электротехника

саноатида ҳамкорлик Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бунинг Президентимизнинг 2017 йил октябрь ойида Туркияга ташрифи доирасида “Ўзэлтехсаноат” АК томонидан “Femas Metal Sanayi” компанияси билан газплита ҳамда “Odu Madeni” компанияси билан электр духовкалар ва газплиталар ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича келишув имзолангани мисолида ҳам кўриш мумкин. Умумий қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳалар ижросига киришилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳамкорлар томонидан технологик ускуналар олиб келиб бўлинди. Янги қувватлар ишга туширилиши билан 150 та иш жойи яратилиб, ички ҳамда ташқи бозорга янги маҳсулотлар етказиб берила бошланади.

Ҳар бир оила эҳтиёжи эътиборда

Электротехника саноатининг ривожли кўп жиҳатдан аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий аҳолига боғлиқ. Чўнки замонавий технологияли саноат маҳсулотларини харид қилишга юқори оилалар сотиб олиш имкониятига эга. Шу маънода, ҳали олдинда бажарилиши лозим бўлган ишлар кўп. Ҳар бир оилани электротехника маҳсулотлари, айниқса, арзон маиший техника воситалари билан тўлиқ таъминлашга эришиш саноатнинг ушбу жабҳаси олдида турган энг устувор вазифа ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 февралдаги “2017 — 2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу каби истикболли лойиҳалар ижросига кенг йўл очмоқда. Мазкур ҳужжатда ички ҳамда ташқи бозор талаби чўқур ўрганилган ҳолда, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, 2021 йилгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида умумий қиймати 731,2 миллиард сўмлик 43 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида, жумладан, Қорақалпоғистонда замонавий телевизорлар, электр шкаф, электр сувиситкичлар, иситиш қозонлари ҳамда металл радиаторлар, яримавтомат кир ювиш машиналари ва чанготкичлар ишлаб чиқарилса, Самарқанда кондиционер, газплиталар, электр печлар ҳамда яримавтомат кир ювиш машиналари тайёрлаш йўлга қўйилади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда электротехника саноати секин-аста ривожланмоқда. Аммо бу хотиржамликка асос бўлмаслиғи керак. Саноатни модернизация ва диверсификациялаш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чўқур қайта ишлаш асосида замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодиётимиз рақобатдошлиги таъминланишига хизмат қилади.

Сонд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги «2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан, бакалаврият ва магистратуранинг янги ўқув режалари ҳамда дастурлари асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида 2018/2019 ўқув йили учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга таклиф этади.

Институтнинг 2018/2019 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

Т/р	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат гранти асосида			Тўлов-контракт асосида		
				Жами	шу жумладан ўзбек	рус	Жами	ўзбек	рус
1.	5111000	ОТМ бўйича жами, шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича	840	240	201	39	600	505	95
2.	5232900	Касб таълими (йўналишлар бўйича)	40	15	15	—	25	25	—
3.	5310900	Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	5	—	20	20	—
4.	5313100	Метрология стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (соҳалар бўйича)	25	5	5	—	20	20	—
5.	5340600	Автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари ва жиҳозларининг эксплуатацияси (турлари бўйича)	120	60	48	12	160	128	32
6.	5341100	Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотларининг турлари бўйича)	150	50	42	8	100	83	17
7.	5341400	Қиймат инжиниринги	40	15	10	5	25	15	10
8.	5341500	Автомобиль йўллари, кўприklar, тоннеллар, йўл-тўқаткичлар ва аэродромларни лойиҳалаш ва қуриш (турлари бўйича)	125	40	32	8	85	68	17
9.	5620300	Шаҳар йўллари ва кўчалари	25	10	10	—	15	15	—
10.	5630100	Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)	90	20	14	6	70	51	19
11.	5631600	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	5	—	20	20	—
12.	5620400	Автомобиль йўллари ободонлаштириш ва архитектура-ландшафт лойиҳалаш	50	10	10	—	40	40	—
		Йўл ҳаракатини ташкил этиш	25	5	5	—	20	20	—

Бакалаврият таълим йўналишларига ҳужжатлар жорий йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган жадвал асосида 1 августдан 15 августгача ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй.
Телефонлар: (0-371) 232-15-24, 233-19-25.

Институтнинг 2018/2019 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг мутахассисликлар ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

Т/р	Шифр	Мутахассисликлар	Жами	Давлат гранти асосида			Тўлов-контракт асосида		
				Жами	шу жумладан ўзбек	рус	Жами	ўзбек	рус
1.	5A313101	ОТМ бўйича жами, шу жумладан, мутахассисликлар бўйича	84	29	21	8	55	34	21
2.	5A340602	Автомобиль транспорти ва йўл-қурилиш техникаларининг эксплуатацияси	20	8	6	2	12	8	4
3.	5A341401	Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотларининг турлари бўйича)	15	5	3	2	10	6	4
4.	5A341402	Автомобиль йўллари лойиҳалаш ва қуриш	10	4	3	1	6	4	2
5.	5A341501	Кўприklar, тоннеллар ва йўл-тўқаткичлар қурилиши	10	4	3	1	6	4	2
6.	5A341501	Шаҳар йўллари ва кўчалари	5	2	1	1	3	2	1
7.	5A610101	Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	5	1	1	—	4	2	2
8.	5A620102	Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиш (транспорт турлари бўйича)	5	1	1	—	4	2	2
9.	5A620301	Транспорт логистикаси	9	3	2	1	6	4	2
10.	5A310607	Автотранспорт воситаларини синаш	5	1	1	—	4	2	2

Магистратура мутахассисликларига ҳужжатлар жорий йил 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй.
Телефонлар: (0-371) 232-15-24, 232-09-99.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси



Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
таклиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95,
(+998 93) 555-12-88,
(0-371) 291-68-94.

www.maz.by

E-mail: maztashkent@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер қопламали маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 65 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.
• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: (+998 95) 197-00-93

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

«Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси билан тузилган шартнома ҳамда 2018 йил 15 июндаги 2-4/10-4332-сонли хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

• 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/354 ААА бўлган, «CHEVROLET NIVA-21230L» (седан) русумли.

Бошланғич баҳоси — 30 451 617 сўм.

• 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/355 ААА бўлган, «CHEVROLET NIVA-21230L» (седан) русумли.

Бошланғич баҳоси — 34 123 238 сўм.

• 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/363 ААА бўлган, «CHEVROLET NIVA-21230L» (седан) русумли.

Бошланғич баҳоси — 34 176 415 сўм.

• 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/372 ААА бўлган, «CHEVROLET NIVA-21230L» (седан) русумли.

Бошланғич баҳоси — 30 305 615 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари Бухоро шаҳри, Баҳоруддин Нақшбанд кўчаси, 352-уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти бошқармасида сақланмоқда.

Аукцион савдоси 2018 йил 24 июль куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтади. Аризалар 2018 йил 23 июль куни соат 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида сотилмай қолган автотранспорт воситаси савдо

шартлари ўзгармаган ҳолда, қайта очиқ савдога 2018 йил 31 июль куни чиқарилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- мулкни сотиб олиш учун ариза;
- закат тўғрисидаги келишув шартномаси;
- савдо ташкилотчисининг МФО: 00119, СТИР: 300615974, «Ипотека-банк» АТИБ «Сардор» филиалидаги 20208000604658859001 ҳисоб рақамига автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридидаги гаров пулини тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома;
- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома.

Автотранспорт воситаси учун аризаларни қабул қилиш (шанба ва якшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) савдолар бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аризалар «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ томонидан қабул қилинади.

Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон чоп этилган кундан бошлаб автотранспорт воситалари билан танишиш имконияти яратилади.

Гувоҳнома: № 0000520.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй.

Телефон: (0-365) 221-58-87.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси Таҳлил ва тадқиқотлар бўлими мудири Фарида Бакаевага онаси Зоҳида ОЛИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15,

232-10-63.

E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.

Навбатчи — Д. Улуғмуродов.

Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза яқини — 22.40 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6